



ADOLAT

№19
(671)
2008 йил,
2 май, жума

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

Ижтимоий-сиёсий газета

adolat_gazeta@mail.ru

1995 йил 25 февралдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишлари юртишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустақамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатларнинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш мақсадида:

1. Адвокатура институти янада ислоҳ қилиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

Қўйидагилар адвокатура институти янада ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири бўлган адвокатларнинг самарали лицензиялаш тизимини ташкил қилиш;

адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳа бўйича иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташини белгилаш, шунингдек, адвокатларнинг мунтазам равишда касба оид малакасини оширишнинг мажбурийлигини жорий қилиш;

адвокатуранинг ҳалол ва касб маҳорати юқори мутахассислар билан тўлдиришни таъминлашнинг самарали лицензиялаш тизимини ташкил этиш;

адвокатлик тузилмаларининг ваколатларини аниқлаштириш ва ҳуқуқий маконини белгилаб бериш;

жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлаш;

ҳуқуқшунослик соҳасида махсус билимга

эга бўлмаган шахсларнинг суд ишида иштирок этишига йўл қўйилмасликка қаратилган тарафлар вакилиги институтини босқичма-босқич такомиллаштириш;

адвокатлар томонидан касб этикаси қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш механизми ва адвокатларга нисбатан интизомий иш юртиш тизимини такомиллаштириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясининг Ўзбекистон Республикаси адвокатларининг мажбурий аъзолигига асосланган Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси негизда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасини ташкил этиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

3. Қўйидагилар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлашган ҳолда мувофиқлаштириб бориш;

адвокатуранинг янада ривожлантиришга, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда унинг обрў-эътибори ва аҳамиятини оширишга қўмақлашиш;

аҳолининг ҳуқуқий билими ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарбият ишларини амалга ошириш;

ислохотларнинг қонунийлик базасини ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ҳамда қонунийлик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлаш бўйича таклифлар киритиш;

адвокатура фаолиятини тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг вакили сифатида қатнашиш, шу жумладан судда ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари билан бўлган муносабатларда;

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2008 йилда халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мутасам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Демократик, ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини таллаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятини ривожлантириш ва давлат қурилишининг, бутун ички ва ташқи сиёсатининг энг устувор йўналиши этиб белгилади.

Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунийлик меъёрларида ўз ифодасини топади.

Бозор ислохотларини изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сиҳат-саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили» ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмлари яратилган ва улар амалда самарали жорий этилмоқда. Мамлакатда беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият юритмоқда. Жамият ва давлат қурилиши соҳасида сиёсий партияларнинг роли сезиларли даражада ошди. Мустақил оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ривожланиб бормоқда. Улар аҳолининг сиёсий, ижтимоий фаолиятини ошириш, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Ўзбекистонда жи-

(Давоми 2-бетда).

ноятларнинг таснифлаиши тўла ўзгартрилди. Бунда оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий хатти-ҳаракатлар рўйхати сезиларли даражада қисқартирилди. Натихада 2007 йилда озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо қўлланилган шахслар сони 2000 йилдагига нисбатан 2 баробардан кўпроқ қисқарди. Ўзбекистонда ҳар юз минг аҳолига 138 нафар маҳбус тўғри келади, бу дунёнинг энг ривожланган давлатларидагидан анча камдир.

Суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, судлар томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари изчил жорий этилмоқда. Судлар жинсий, фуқаролик, ҳўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилди, суд ишларини апелляция ва кассация қўриб чиқиш институтлари, ярашув институти жорий қилинди. Прокурор ва адвокат ҳуқуқларининг тенглигини таъминлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда 2008 йил январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши, ҳибсага олишга санкция бериш ҳўкуки судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишнинг таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда).


(Давоми 2-бетда).



ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАСИ

Оққан дарё, оқаверади, дейдилар. Дарҳақиқат, томирида буюк аждодлар қони жўш ураётган, қалбида чексиз гурур-ифтихор ила яшаётган авлод келажакда улкан ишларни амалга ошира олади. Дунё тамаддунига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган она Ўзбекистонимиз ўзининг юксак салоҳиятли, билимдон ёшлари билан бугун ҳам дунёни лол қолдирмоқда. Бунинг унлаб, юзлаб ёшларимизнинг халқаро мусобақаларда, фан олимпиадаларида қўлга киритаётган ютуқлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу кунларда пойтахтимизда мактаб ўқувчилари ўртасида кимё фани бўйича 42-Халқаро Менделеев олимпиадаси бўлиб ўтмоқда. Аввало, ушбу нуфузли тадбирнинг юртимизда ўтказилаётгани мамлакатимизда таълим соҳасига қаратилган катта эътибор — кенг қўламли ислохотлар эътирофи



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.

ҳамда ёшларимизнинг халқаро турнирларда юқори ўринларни эгаллаётганининг самараси, дея баҳолаш мумкин. Бинобарин, юртимиз ёшлари 1997 йилдан буён мазкур халқаро фан олимпиадасида муваффақиятли иштирок этиб, бугунга қадар қатор нуфузли ўринларни эгаллашди.

Халқаро фан олимпиадасида юрtdошларимиздан ташқари Озарбайжон, Болгария, Россия, Қирғизистон, Туркманистон, Украина сингари ўнлаб давлатлардан ёш кимё фани билимдонлари қатнашишмоқда. Улар икки босқичда ўз билимларини синаб кўришяпти. Демак, ҳам назарий,

ҳам амалий жиҳатдан юксак билимга эга бўлган ўқувчиларгина ғойибликка муносиб кўрилади. Уйлаймики, нуфузли фан олимпиадасида ўзбекистонлик ўқувчилар янада юқорироқ ўринларни қўлга киритишади.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Вилоят Кенгашида

ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Оддий коллеж ўқувчисининг сиёсий саводхонлиги, партиялар фаолияти, жамиятдаги чуқур демократик ўзгаришларнинг аҳамияти ҳақидаги фикр-мулоҳазалари мулоқот иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Шундай фазилат соҳиби — Зарнигор Бобоқулова Самарқанд иқтисодий ва сервис коллежсининг ҳуқуқшунослик бўлимида таҳсил оляпти.

Унинг юксак истеъдоди, билим ва изланувчанлиги аллақачон катта доираларда тан олинган. Зарнигор "Келажак овози" республика кўрик-танловига бултўр биринчи ўринни эгаллаган. Фан олимпиадаларининг вилоят ва республика миқёсидаги босқичларида ҳам ғойибликни қўлга киритаётган ёшлардан.

"Адолат" СДП Самарқанд вилояти Кенгаши фаолларининг ўқувчи-ёшлар билан мулоқот ўтказиш мақсадида айнан шу коллежга ташириб буюргани бежиз эмас.

Бу билим масканида Зарнигор Бобоқулова сингари мустақил фикр ва дунёқарашга эга ёшлар кўпчиликини ташкил этади. Коллежда бошланғич ташкилотнинг фаолият юритаётгани ва 50 нафарга яқин педагог, талабаларни ўз атрофига бирлаштирган эса партия ва ёшларнинг ягона мақсад йўлидаги ҳамкорлигидан далолатдир.

Дарвоқе, коллежда вилоят партия Кенгаши фаоллари билан ўтказилган бу галги учрашув ҳам долзарб масалага — мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни демократ-

лаштиришда ёшларнинг сиёсий фаолиятини ошириш мавзусига бағишланди. Коллеж ўқувчилари вилоят партия Кенгаши Иккинчи хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлими раиси Гавхар Худойбердиеванинг маърузаларини эътибор билан тингладилар. Учрашув қизгин музокара ва савол-жавоблар остида ўтди. Ёшлар партия фаолларидан сиёсий ҳозиржавоблик, Ватан ва халқ манфаатлари йўлида қурашчанлик, мустақил фуқаролик позициясини шакллантириш хусусида сабоқ олдилар. Шу кунги коллеж педагог ва ўқувчиларидан 20 нафар партия аъзолигига қабул қилинди.

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Адолат" мухбири.

Дил изҳори

ЮКСАК ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Ёшим 80 дан ошди. Куч-қувватга тўлган йиллик давримнинг гуллаган оналари Иккинчи жаҳон урушининг эсга ошдида ўтган. Уша эътиборли даврни эланишнинг ўзи оғир...

Яратганга шўқр, дорилон кунлар — юртимиз истиқлоли ва ободлигини кўриш насиб этди. Шу боис мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, ҳар тонг дуога қўл очаман. Бу эзгу ишларнинг бошида турган Юртбошимиз ҳамда яратувчилек билан шуғулланаётганларнинг ҳақиқа Аллоҳдан мадад, тинчлик-омонлик сўрайман.

Кунги кеча Президентимизнинг 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатланти-

риш тўғрисида"ги Фармони ни ўқиб, биз кексалар яна бир бор қувондик, бошимиз осмонга етди. Бу Юртбошимизнинг биз уруш фахрийларига, қолаверса, бевакт шахид кетганлар хотирасига кўрсатилган эъзоз, қадр ва юксак эҳтиром намунасидир. Ниятим — биз кўрган урушнинг халқимиз кўрмасин. Бетакорр диёримизда тинчлик ва осойишталик боқий бўлсин. Ўзбекистонимиз янада гуллаб-яшнайверсин.

Рузи МИРЗАЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
Шўрчи тумани.

ҲАМИША ЭЪТИБОРДАМИЗ

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаб келинмоқда. Бу биз, уруш фахрийлари ҳамда эл-юрт тинчлиги йўлида жон олиб, жон берганларга кўрсатилаётган ғамхўрликдан далолат.

Бугина эмас, истиқлол йилларида бизларга кўрсатилаётган ғамхўрликларини санаб адоғига етолмайсан киши. Энг яхши оромгоҳдан тортиб, замонавий шифохоналарнинг эшиги биз учун доимо очик. Муҳими, ҳуқуқимиз эътиборида.

Президентимизнинг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони кўнглимизни янада ҳушнуд қилди. Шунини алоҳида айтиш

керакки, гап совғада эмас, балки эътиборда. Шунинг ўзи эса одамга олам-олам завқ бағишлайди, кўнглиларга шодлик олиб кирди.

Кексаларни эъзозлаган юрт ҳеч қачон кам бўлмайди. Биз, доимо қўлимизни дуога очиб, Юртбошимизга, барчага узоқ умр, бахтли ҳаёт тилаймиз.

Сирожиддин ОРНПОВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси,
"Адолат" СДП аъзоси.



Инсоннинг ону тафаккурида, юрагида кечган неки некин фикр-мулоҳазалар, мунавар туйғулар бўлса, албатта, кўнгли ойинасида акс этади. Шу маънода, кўнгли ойинаси кишининг нафақат ички дунёсини, балки унинг феъл-атвори, қизиқиш доираси, савиясини ҳам аниқ акс эттириб туради. Бу хусусиятни назарда тутиб, қолаверса, кўнгли муштарийларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, янги "Кўнгли ойинаси" деб номланган маънавий-маърифий, дам олиш саҳифасини ташкил этдик.

Мақсад саҳифада сиз ҳаётвий воқеалар, ҳикमतлар, ўз касбларининг устаси бўлган инсонлар билан суҳбатлар, ҳажвиялар, латифалар, сир-синоатлар ҳақидаги муҳтасар маълумотлар билан танишасиз.

Мақсад эса "Кўнгли ойинаси"га разм солиб ҳам ҳордиқ чиқариш, ҳам билимимиз, маънавиятимизни бойитиб боришдан иборат.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА АДВОКАТУРА
ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган таъқиблардан, чеклашлар ва таъвозулардан ҳимоя қилиш чораларини кўриш;
адвокатларни касбий тайёрлаш ва малакасини ошириш ишларини ташкил қилиш;
республика туман ва шаҳарларида юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш йўли билан аҳолининг юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш;

қариш тизимини ташкил этиш;
адвокатларнинг қонунчиликка мувофиқ амалга ошираётган фаолиятига аралашмаслик тамойили асосида фаолият кўрсатади;
адвокатлар томонидан тўланадиган кириш ва аъзолик бадаллари ҳамда қонунчилик билан таъқибланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштирилди;

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.
6.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига адвокатлар томонидан фуқароларнинг айрим тоифаларига кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат ҳисобидан ҳақ тўлаш механизмни қайта кўриб чиқиш буйича тақлифлар киритсин.
7.Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
8.Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Б.Абдуллаев зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2008 йил 1 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА
БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда)

Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари буйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари буйича миллий марказ, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институтини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари бўйича махсус тузилган бўлинмалар қабул инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда.
Инсон ҳуқуқлари соҳасида узлуксиз таълим ва маърифий ишлар тизими шакллантирилган. Ҳуқуқ ҳимояси мавзюда йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган журнал ва газеталар кўп миң нусхада чоп этилмоқда, барча мактаб, коллеж ва лицейларда, олий таълим муассасаларида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асослари ўрганилмоқда.
Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларини изчил ва катъий бажариб келмоқда, бу масалалар бўйича БМТнинг тегишли конвенциявий органларга доимий равишда ўзининг миллий ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмоқда. Уларнинг тавсияларини бажаришда давлат идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари ва бевосита фуқаролар иштирок этишмоқда.
БМТ Бош қотиббининг инсон ҳуқуқлари кўни муносабати билан йўллаган Баёнотномасини қўллаб-қувватлаб, шунингдек, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий, қонунчиликка оид чора-тадбирлар тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:
1.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.
2.Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури амалга оширишга доир фаолиятини мувофиқлаштириш;
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар, мамлакатимизда инсон манфаатларини қўзғалаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган салмоқли ишлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш;
Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган халқаро тадбирларда Ўзбекистон вакиллари фаол иштирок этиши борасида халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ муассасалари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш.
3.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси 2008-2009 йилларда фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мейёрий-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ва кўриб чиқиш, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган қонун ҳужжатларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширсин.
4.Адлия вазирлиги Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика "Маънавият ва маърифат" кенгаши ҳузуридаги

Маънавият тарғибот маркази билан биргаликда 2008 йил давомида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг асосий қондаларини, фуқароларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилигимиз асосларини очиб беришга бағишланган рисоалар, ўқув қўлланмалари, ижтимоий-сиёсий материаллар чоп этилиши ва аҳоли орасида кенг тарқатилишини таъминласин.
5.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан биргаликда;
етақчи мутахассислар ва олимларни жалб этиш ҳолда, таълим муассасаларида ва ёшлар орасида инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсий ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг янги жамият барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий шароит яратиш, Ватанимиз хавфсизлиги ва фаровонлигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини чуқур ўрганишга доир давралар суҳбатлари, семинарлар, маърузаларни тизимли асосда ташкил этсин;
2008 йил 10 декабрда мамлакатимиздаги барча мактаблар, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юрталарида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган умуммиллий дарс ўтказсин.
6.Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, журналист кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича олий таълим муассасаларининг ўқув режаларига инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситалари иштирок этишининг миллий ва хорижий таърибасини ўрганиш назарда тутилган махсус ўқув дастурлари киритилишини таъминласин.
7.Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинг институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқла-

ри бўйича миллий марказ билан биргаликда уч ойлик муддатда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида таълим этилган инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича бўлинмалар фаолиятини танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилсин ва унинг самардорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида тақлифлар киритсин.
8.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва бошқа институтларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларнинг самарали ишлаши учун зарур бошқа шарт-шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсин ва 2008 йилда амалга оширсин.
9.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг мурожаатини эътиборга олиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси асосий мақсадларини амалда рўйбга чикаришда БМТ саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш учун БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси махсус жамгармасига Ўзбекистоннинг ижтимоий бадали сифатида юз минг АҚШ доллари миқдорини маблағ ажратсин.
10.Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телевидиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, оммавий ахборот воситалари Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганнинг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастурининг амалга оширилишини ҳар томонлама ёритиш бўйича тематик кўрсатувлар ҳамда мақолалар ташкил этсин.
11.Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри, 2008 йил 1 май

И.КАРИМОВ

“АДОЛАТ”
Ҳаётимдан
ФАОЛИЯТГА
ТАНҚИДИЙ ЁНДАШУВ

камчиликларни бартараф этишда яхши натижа беради

Ўзбекистон “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши Марказий аппаратида Тошкент вилояти партия Кенгашининг “Ҳудудий партия ташкилотларининг фаолиятини кучайтириш ва ишга ёндашувини янгилаш бора-сидаги асосий вазирлар-фалар” мавзюда семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, ҳудудий Кенгашлар котиблари ва партия фаоллари қатнашди.



Семинар-кенгашда алоҳида таъкидланганидек, жорий йилнинг 1 январидан кучга кирган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар қўламини сезиларли даражада кенгайтирди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунга келиб вилоятимизда 293 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда, аъзолар сони эса қариб 5 миң нафарни ташкил қилмоқда. Лекин бу ҳолни қониқарли, деб бўлмайти. Негаки, муваффақиятлар ўзимизники, фаоли-

риш ғоят муҳимдир.
— Жорий йилнинг биринчи чораги давомида сафимиз 120 нафардан зиёд аъзолар ҳисобига кенгайтирди, — деди семинарда сўзга чиққан вилоят партия Кенгаши биринчи котиби К.Шодиметов. — Айниқса, Оҳангарон, Оққўрғон, Ўртачирчик, Бўстонлик туманлари партия Кенгашлари қўламини сезиларли даражада кенгайтирди. Бунинг натижаси ўлароқ, бугунга келиб вилоятимизда 293 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда, аъзолар сони эса қариб 5 миң нафарни ташкил қилмоқда. Лекин бу ҳолни қониқарли, деб бўлмайти. Негаки, муваффақиятлар ўзимизники, фаоли-

ятга танқидий ёндашиб, мавжуд камчиликларни бартараф этишга диққат-эътибор қаратиш лозим.
Ҳақиқатан ҳам вилоятдаги барча ҳудудий партия ташкилотлари кўнгилдагидек фаолият кўрсатаётгани йўқ. Мисол учун, жойларда бошланғич партия ташкилотлари фаоллиги, ташаббускорлиги кам сезилапти, жамоатчилик назорати етарли даражада йўлга қўйилмаган. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Юсуфжон Нишонов ушбу муаммо ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, вилоят партия ташкилотлари фаолиятини жонлантиришда, қолаверса,

партия котибларининг сиёсий билимларини оширишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти муҳим эканлигига алоҳида урғу берди.
Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, маҳаллий халқ депутатлари Кенгашлари ҳамда вилоят, туман ва шаҳар партия Кенгашлари котибларига номзодлар захирасини шакллантириш борасида ҳозирданок изчил иш олиб бориш муҳимлиги қайд этилди.
Семинар-кенгаш якунида қўрилган масалалар юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.
Фарҳод ЭСОНОВ,
“Адолат” мухбири.

КАСБЛАР ФЕСТИВАЛИ

Анджон туманидаги Завроқ иқтисодий коллежида “Адолат” СДП вилоят ва туман Кенгаши, туман прокуратураси ҳамда Бандликка қўмаклашувчи марказ билан ҳамкорликда касблар фестивали ва бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.
Тадбир давомида янги объекتلари ишга тушириш, ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил қилиш, касаначилик ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.
Тадбир якунида коллежнинг иқтидорли талабалари ва касаначиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётган тадбиркорларга вилоят партия Кенгашининг совгалари топширилди.
Лазмат МАХМУДОВ,
“Адолат” мухбири.

“ЮРИСТЛАР” ФОЛИБ

“Адолат” социал-демократ партияси Жиззах вилояти Кенгаши ва “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган “Сиз қонунни биласизми?” кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.
— Мақсадимиз ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш, уларга амалдаги қонунлар мазмун-моҳиятини етказишдир, — дейди партиянинг Жиззах вилоят Кенгаши биринчи котиби Анвар Темиров. — Чўнги ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда келажакимиз ворисларининг иштирокини таъминлаш орқали жамиятда қонун устуворлигига эришиш долзарб масаладир.
Танловда Жиззахнинг “Юристар” жамоаси ғолибликни қўлга киритди.
Муқимбой ИСМОИЛОВ,
“Адолат” мухбири.

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ
КЕНГАШ ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилиши бўлиб ўтди.
Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни рўйхатдан ўтказиш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда қонуларга риоя қилиниши, бу борадаги прокурор на-ийлиги бўлиб ўтди.
Унда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг кўриб чиқилишида муайян ишлар амалга оширилгани эътибор қилинган ҳолда, бу тоифадаги мурожаатларни ҳал этишда, жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳамда бошқа жиддий қонунбузилишларга йўл қўйилиши сабаблари ва шарт-шароитларига алоҳида йўналишда прокурорлик ва идоравий назоратни янада кучайтириш лозимлиги

таъкидланди.
Шунингдек, йиғилиш кун тартибидан ўрин олган диний экстремизм ва терроризмнинг турли кўринишлари олдини олиш ва қарши курашиш билан боғлиқ қонунлар ижросини таъминлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ўзининг муайян самарасини бераётгани қайд қилинди. Шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида терроризм ва экстремизм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишни, уларга қарши кураш борасидаги иш услубини янада такомиллаштириш, диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тўғри йўлга солиш бўйича мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланиш ҳамда бу соҳадаги прокурор назоратини янада кучайтириш ҳақида тўхталиб ўтилди.
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишида тегишли қарорлар қабул қилинди.
Ўзбекистон Республикаси
Бош Прокуратураси
матбуот маркази

КУПЛОВ
Ўзбекистон “Адолат” социал-демократ партияси Сийёсий Кенгаши барча партия фаоллари номидан Хоразм вилояти Кенгаши биринчи котиби Нурмат Эшметовни қутлуг 60 ёшга тўлиши муносабати билан самимий муборакбод этади.
Унинг “Адолат” СДП Хоразм вилояти биринчи котиби, жонқуяр аъзо сифатида мустақил юртимиз равнақи ва ободлиги, қолаверса, партиямиз ўз олдига қўйган устувор мақсадларга эришиш йўлидаги эзгу ишларида омад тилаймиз.
ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СДП
СИЁСИЙ КЕНГАШИ.

Аёли ҳаётимиз мазмуни, дея улуғлашад. Дарҳақиқат, шундай. Бироқ, у ўзидан унутиб, жиноятга қўл урса, кўнгида таассуфдан бошқа илҳиж тополмас экансан, кичи.
АЙБИГА ИҚРОР
БЎЛИШДИ
Шу йилнинг 22 январь кунига ўтар кечаси икки нафар аёл — Оқила Собирова ва Муаззам Исроиловлар жинойи ишга қўл уришди. Аниқроғи, улар Зангиота туманидаги “Хонобод” кишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Бекзод Билоловнинг хондонига ўғирликка тушишди. Икковлон олдиндан тузилган режа асосида ушбу хондон молхонасидан 1 миллион 750 миң сўмлик отти боти қўйни ўғирлаб кетишди. Сўнгра улар қўйларни пуллаш мақсадида Бекобод шаҳридаги бозорга йўл олишди. Лекин жиноятчилар ниятларига етишолмади. Жиноят ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан фош қилинди. Суд жараёнида айбланувларнинг ўзлари ҳам қилмишларига иқрор бўлишди. Жабрланувчи Б.Билоловга етказилган моддий зарар маълум даражада қопланди.
Суд ушбу жинойи иш юзасида адолатли ҳукм чиқарди. Оқила Собирова ва Муаззам Исроиловани мўқаддам судланмагани, қилмишларидан астойдил пушаймон эканликлари ва бошқа ҳолатлар инобатга олиниб, муайян муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.
Д.РЎЗМЕТОВА,
Тошкент вилояти
прокуратураси бўлим прокурори.

Модернизация

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯ САМАРАСИ

Қашқадарё вилояти sanoat корхоналари фаолияти мисолида

Истиклол йилларида Қашқадарё вилоятида sanoatни модернизациялаш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш эъзаига махсуслаш ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, экспорт имкониятлари кенгаймоқда. Мустиқликнинг дастлабки йилида воҳада экспорт ҳажми 12 миллион 900 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йил якунида бу кўрсаткич қарийб 273 миллион 800 минг доллардан ошди.

Этиборли жиҳати, ўтган давр мобайнида вилоятдаги нефть ва газ корхоналари кўп миқдорда ички ва хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада ишлаб чиқариш қувватлари сезиларли даражада ошди, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлаш ҳажми кўпайди. Шу ўринда, вилоятда ёқилғи энергетика соҳасида 4 та йирик корхона, жумладан, "Шуртангазим" мажмуаси, "Қўқумалоқгаз" ва "Хисорнефтьгаз" ўзбекистон - Швейцария кўшама корхоналари ҳамда "Таллимаржон" ИЭСининг биринчи блоки каби янги қувватлар ишга туширилгани алоҳида таъкидлаш ўринли. Воҳада ҳозир умумий қиймати 65 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 39 та лойиҳани амалга ошириш ҳамда 2148 та янги иш ўрни яратиш бўйича жадал ишлар олиб борилаётган. Ушбу лойиҳаларнинг 46 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 14 миллион хорижий кредитлар эъзига, 2 миллион маҳаллий кредитлар ва 1 миллион корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 366 миллиард 300 миллион сўмини ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 марта кўп, дегани. Мухими, ўзлаштирилган инвестицияларнинг 88,9 фоизи ишлаб чиқариш тармоқларига (асосан корхоналарни модернизациялаш ва техник, технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга) йўналтирилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2007-2011 йиллардаги даврда ёғ-мой sanoati корхоналарини модернизация қилиш ва техникавий қайта жиҳозлаш Дастури туришида"ги қарорига қўра, "Косон ёғ-экстракция" кўшама корхонасида 44 миллион сўмлик, "Қарши ёғ-экстракция" кўшама корхонасида эса 150 миллион сўмлик янги ускуналар ўрнатилиб, модернизация қилинди. Айни пайтда бу корхоналар бозоригр маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани. Шунингдек, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Қашқадарёмармар", "Равшан - Б" корхоналари ва "Жасур", "Шерзодбек" фирмалари томонидан ҳам амалдаги йилнинг ўтган ўч ойида 48 минг тонна оҳак, 249 минг 300 кубометр нуруда материаллар, 23 миллион 800 минг дон дорворбоп материаллар, 71 минг 300 квадрат метр ҳажмда эшик ва дераза ромлари, 12 минг 800 квадрат метр қоплама плиткалар ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди. Бу ҳам, аввало, модернизациялаш шарофати ва эъзао фойдали ҳамкорликни кенгайтириш самарасидир.

Айни пайтда нафақат вилоят марказида, балки олис туманларда ҳам хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда корхоналарни

янги технологиялар билан қайта жиҳозлаш ва янги ларини ишга тушириш ишлари қатъий режа асосида кетмоқда. Шу мақсадда йил охиригача 7 та гишт заводи ва 1 та нуруда материаллар ишлаб чиқарувчи корхона барпо этиш мўлжалланган. Бундан ташқари, Деҳқонobod туманида экологик талабга мос калий ўғитлари заводи, Китоб туманида қиймати 7 миллион АҚШ долларига тенг цемент заводи қурилишларини битказиш, Яқабогда эса "Яқабогтекс" кўшама корхонасининг 500 минг АҚШ долларига тенг цемент заводи инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Бундан ташқари, хотин-қизларни кўпроқ ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш мақсадида "Китоб ип-йигирув" оидик ҳиссодорлик жамиятига қарашли корхона цехларини модернизациялаш ва техник қайта қуролантириш мақсадида катта миқдордаги инвестицияни жалб этиш ишлари ҳам тезкорлик билан олиб борилаётган. Бу иш охиригача етказилса, қисқа вақт ичида корхона технологиялари янгилашиб, қувватларни кенгайтириш ҳисобига йилига 3400 тонна пахта толаси қайта ишланади, 2880 тонна калава ип ишлаб чиқарилади, 350 нафар ишсиз аёллар муқим иш жойлари билан таъминланади.

Қисқасини айтганда, вилоятдаги sanoat корхоналарини модернизациялаш борасида йил бўйи амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўлами кенг. Мақсад - иқтисодий ислохотлар муваффақиятини таъминлаб, барча корхоналарда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришдан иборат.

Комил САХАТОВ, "Адолат" мухбири.

Хориж Жабарлари

АВВАЛ ГУВОҲ ЭДИ, ЭНДИ АЙБДОР

Ироқнинг собиқ президенти Садам Хусайн даврида мамлакат вице-президенти ва ташқи ишлар вазири бўлган Тарик Азиз устидан суд жараёни бошланди.



Тарик Азиз 1992 йили Ироқнинг Кувайтга бостириб киргани туфайли БМТ томонидан қўлланилган халқаро санкция пайтида озиқ-овқат маҳсулотлари баҳосини кўтаришга уринган 42 нафар корчолонни қатл қилганлигида айбланмоқда. Ушундан олтироқ жиноят устида қўлга олинган ва орадан бир неча соат ўтиб, ўлимга ҳукм қилинган.

Тарик Азиз бундан аввал Садам Хусайн тарафдорлари устидан ўтказилган суд ишларида гувоҳ сифатида иштирок этган эди. Бу гал эса... Айтганча, ундан ташқари яна олти киши суднинг қора курсисида ўтирибди.

САБАБСИЗ ИСТЕЪФОГА ЧИҚДИ

АҚШдаги энг йирик «Calpers» нафақа жамғармаси бош директори Фред Буэростронг кутулмаганда истеъфого чиққани маълум қилган.

Бундан аввалроқ компаниянинг икки нафар юқори мансабдор шахслари ҳам ишдан кетганди. Энг қизғин, улар жамғармани жаҳон бозоридан фаол иштирок этаётган бир пайтда тарк этишган. 2002 йилдан бун «Calpers»ни бошқариб келатган Фред Буэростронгнинг бундай қарорига қилибнинг асл сабаби маълум эмас.

АРЗОН "ИШЧИ КУЧИ"

Хитойнинг жанубий-ғарбидagi Сичуан вилоятида болалар савдоси авж олмақда.

Бу ерда минглаб болалар мамлакатнинг иқтисодий ривожланган вилоятлари, чунончи, Гуандун вилоятига арзон ишчи кучи сифатида сотиб юборилган, дея хабар қилади "Southern Metropolis News" газетаси. 13-15 ёшли болалар ҳафтасига 75 соат ишлаб, ҳар соатига бор-йўғи 50 цент ҳақ олади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили Шанси ҳамда Хенань вилоятларидаги шахта ва оҳак ёқилғи жойларида ишчиларнинг аксарияти ёшлардан иборатлиги маълум бўлган. Хитой ҳукумати қуллик ва болалар меҳнатини эксплуатация қилишга қарши катта кампанияни бошлаган эди.

ЎРТАЧА УМР УЗАЯДИ

Европадаги энг нуфузли Вена демография институти халқаро тадқиқотчилари сўнгги изланишлар натижасида кутулмаган ҳулосаларга келишди.



Олимларнинг фикрича, XXI аср ўрталарига келиб, Ер аҳолисининг ўртача ёши ҳозирги 26,6 дан 37,3 ёшга, юз йилдан сўнг эса 45,6 ёшгача ўсиши кутулмоқда. Ушундан ёши 60 дан ошганлар сэйра аҳолисининг ундан бир қисмини ташкил этади. Қариш жараёни, айниқса, Япония, Хитой, Океания мамлакатларида шунингдек, Европа, Россиянинг гэрбий қисмида йиши ва инсон умрининг узайиши натижасида юзга келади. Интернет материаллари асосида Мафтуна АШУРОВА тайёрлади.

ЛИВАНДАГИ «ЛАБИРИНТ»

Мамлакат парламенти кетма-кет 18 мартаба сайлов ўтказиб ҳам янги президентни сайлай олмади

Аҳолиси тўрт миллион кишидан, ер майдони эса атиги 10 минг квадрат километрдан зиёдроқ бўлган Ливанда мамлакат президентини сайлаш қийин кечаётган. Ўтган йилнинг ноябрь ойидан бун давом этаётган бу сэйсий тadbирнинг такорланаётгани аҳоли учун ҳам янгилик бўлмай қолди. Ҳукуматдаги келишмовчиликлар ва бошқа турли ваҳлар одатий ҳолга айланиб қолгандек. Ҳар гал мамлакат ҳаёти, келажаги ишлар муҳим аҳамиятга молик тadbирга етарлича тайёрлик қўрилади, аммо сессия яқинлашганда у бекор қилинади.

Бу сафарги мамлакат парламенти сессияси ҳам аввалгиларидан деярли фарқ қилмади. Депутатлар ўн саккизинчи марта ҳам мамлакат президентини сайлай олишмади. Сессияда камиди 85 нафар депутат иштирок этиши лозим бўлганди, амалда 78 нафар парламент аъзоси қатнашди. Оқибатда парламент Спикери Набих Берри журналистларга сессия ўтказилмаслигини айтиб, навбатдаги сайловнинг аниқ санаси номаълумлигини ва Ливандаги сэйсий таназзул билан боғлиқ масалаларда келишувга эришиш зарурлиги даъват этди.

Гап бўлажак ҳукуматдаги ўринларни тақсимлаш ҳамда Эрон ва Суриянинг қўллаб-қувватлашига таянган мухолифат таллаби, шунингдек, сайловлар ҳақидаги қонунга ўзгариш киритиш устида бормоқда. Президентлик сайловлари, - деди мамлакат парламенти Спикери, - қарама-қарши сэйсий блоклар вакиллари таназзулдан қиқши учун эъзао музокарага киришсагина ўтказилиши мумкин. Демак, инқироздан қутулишининг ягона йўли мулоқотларга боғлиқ.

Аслида бу сайлов ўтган йилнинг 25 сентябрида ўтказилиши белгиланган эди. Аммо мамлакатда Суриянинг таъсирини сақлаб қоллишга уриниб келатган мухолифатчилар




амалдаги блокнинг янги президентни сайлаш ҳаракати нисбатан бойкот эълон қилишди. Мухолифат вакиллари сайловга келишмади ва сессия 23 октябрга қўчирилди. 22 октябрдаёқ сайлов ўтказилмаслиги маълум бўлди. Кейин сэйсий даҳт ҳам ўтиб бўлди. Амалда эса ҳеч қандай силжиш йўқ. Мухолифат билан музокаралар олиб боришдан чарчаган мамлакат бош вазири Фуад Ас-Синьора БМТнинг Хавфсизлик кенгашига махсус резолюция қабул қилишни сўраб мурожаат этган. Унда, агар мухолифат бундай "уйинлар"ни давом эттирадиган бўлса, яъни вазирнинг қарор қабул қилишига тўқсон қилинса, халқаро трибунал ташкил этилиши сўралган. Ҳозир Ливанда сэйсий

вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Мамлакатдаги икки сэйсий кучнинг эъзао қарама-қаршилиги бу юрт тақдири амалда Ливан ҳукумати эмас, балки ташқи кучларнинг таъсири остида қўлаётгандек таассурот уйғотади. Дарвоқе, ўзга давлатларнинг аралашуви Ливан учун фақат беминнат ёрдамдан иборат бўлиб қолмаслиги тарихдан маълум.

Беҳбуд БОТИРОВ, "Адолат" мухбири.

- Ливанда қонун чиқарувчи ҳокимият парламенти, ижро ҳокимияти эса республика президентига тегишли бўлиб, мазкур вазифа Вазирлар Маҳкамаси ёрдамида амалга оширилади.
Хозир Ливан парламентида 128 нафар депутат фаолият олиб боради. Мамлакат президенти парламент томонидан 6 йил муддатга сайланади ва кетма-кет иккинчи муддатга сайланиш ҳуқуқига эга бўлмайди. Бош вазир президент томонидан парламент депутатлари билан маслаҳатлашувдан сўнг тайинланади ва ҳукуматни шакллантиради.

ЁШЛАРНИНГ СЕВИМЛИ УСТОЗИ



М.ҚОДИРОВ (ЎА) олган суратлар.

Ҳамиша янгиликка интилиш, ғайрат-шижоат, ўзгача завқ билан яшаш ва меҳнат қилиш Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи технологик қурилмаси механиги, Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темировнинг умр мазмунига айланган. У ҳамма вақт жамоа ёшлари билан бирга. Уларга камолот йўлини кўрсатиш, шу билан бирга ўзининг ҳаётий тажрибалари, касб маҳоратини ўргатишдан асло чарчамайди. Шунинг учун ҳам гигант sanoat корхонасининг юзлаб ёшлари фахрли жамоадешини устоз сифатида ҳурмат қилдилар. Унинг салкам қирқ йиллик тажрибаларини кўнб билан ўрганишди.

Хозир Россия ва Чехия мутахассислари билан биргаликда лойиҳалаштирилган технологик қурилмада механик сифатида фаолият юритаётган Ботир ака корхона ёшларини ўз ёнига олган. Мазкур қурилманинг йиллик қуввати 600 минг тонна паст октанли бензинни қайта ишлаб, юқори сифатли автомобиль ёнилғиси тайёрлашга мўлжалланган. Бугунги кунда қурилма корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқаришида асосий технологик жараёни бажаришини ҳисобга олсак, унинг доимо соз ишлаши ва сифатли маҳсулот тайёрлашида механикнинг хизматлари беқийс.

Суратларда: Ботир Темиров шогирдлари даврасида. Фаргона нефтини қайта ишлаш заводи технологик қурилмасининг кўриниши.

Самарқанд-Бухоро йўлини боғлаб турувчи Каттақўрғон бош майдонининг айланма йўли кенг ва равон эди. Унинг ўртасида қад кўтариб турган хазрат Алишер Навоий хайкали атрофида чамандек очилиб турган анвойи гуллар шаҳар хуснига-хусн қўшар, оқшом чўқиши билан шаҳарликлар шу ерда ҳордиқ чиқаришар эди. Хар йили хазратнинг таваллуд куни маросимлари ҳам шу ерда ўтарди. Майдоннинг у ёғидан бу ёғига ўтиш учун махсус йўлакчалар бўлиб, йўловчи ва юк машиналари майдон атрофидаги кенг айланма йўлдан бехатар қатнарди...

Шаҳарнинг собиқ ҳокими Даврон Маматқулов ва шаҳарсозлик бош мутахассиси Ўткир Улуғмуродовлар ўзларича «янгилик» яратмоқчи бўлиб, ана шу майдондаги кенг айланма йўлни тенг икки қисқартириб, асосий қисминини тижоратчиларга тақсимлаб беришди. Шоир хайкали атрофидаги гулзор ҳудуди кичрайтирилиб, йўллар торайтирилди. Хуллас, шаҳарнинг бош майдони ва унинг атрофидаги кенг айланма йўлдан нишон қолмади. Оқибатда тор йўлда турнақатор тизилиб қолган машиналар сигналлари, ҳайдовчиларнинг бир-бирлари билан йўл талашинишлари атрофдагиларнинг энсасини қўтира бошлади. Айниқса, йўлнинг икки томониغا ўтувчи пидедаларнинг хуноби кўкка ўрлади...

Ташвишли томони шундаки, бош майдондаги айланма йўлнинг катта қисми, юқорида таъкидлаганимиздек, тижорат дўконлари қуриш учун ажратилиб, юк ташувчи транспорт воситалари шаҳар ичкарисидаги аҳоли зич яшайдиган тор кўчалар орқали қатнайдиган бўлди. Улардан чиқаётган тўтунлар атроф-муҳит экологиясини бузмоқда. Аслида юк машиналари қатнови учун бош майдондан шундоққина шаҳар бикини орқали йўл бор. Бирок,

Аччиқ, аммо очиқ гап!

нидаги "Фаробий" катта кўчаси орқали машиналар беҳатар қатнарди. Унга ўтувчи бош майдондаги айланма йўл қисқартирилиб, юк машиналари аҳоли зич яшайдиган тор кўчалар орқали қатнайдиган бўлди. Улардан чиқаётган тўтунлар атроф-муҳит экологиясини бузмоқда. Аслида юк машиналари қатнови учун бош майдондан шундоққина шаҳар бикини орқали йўл бор. Бирок,

километр ҳам чиқмайди. Шаҳар ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинимасининг катта нозирни Собир Очилов 2007 йил 10 декабрда шаҳар ИИБ бошлиғи О.Султонов имзоси билан шаҳар ҳокими бўлиб беришдан транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш учун Навоий хайкали атрофидаги кенг айланма йўлни қайта ташкил

дорларга берилиши инсофдан эмас... Чунки бу дўкончаларсиз ҳам майдон атрофидаги олдидан мавжуд бўлган савдо расталари аҳоли талаб-эҳтиёжларини тўла қондириб келатганди. Ҳали ҳам кеч эмас, чунки бу ерда дўконлар ҳозирча қурилгани йўқ. Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш учун айланма йўлни очиш мақсада мувофиқ. Шунда бош майдон ана ўз қўрқи, тароватига эга бўлади. Бош майдон айланма йўли ёпилган, манзилга етиш учун уч-тўрт километр ортқича масофа босишга мажбур бўлаёلمиз, - дейди пахта тозалаш корхонаси ҳайдовчиси Илҳом Тўхтаев. - Ҳолбуки, бош майдон билан корхонамининг шаҳар бикинидаги кенг йўл оралиги бир

АЙЛАНМА ЙЎЛ МАШМАШАСИ

Каттақўрғон шаҳри бош майдони йўлининг торайтирилганидан аҳоли нега норози бўлаётгани хусусида

етиш зарурлиги ҳақида тақдирнома юборганини айтиди. Бош майдондаги айланма йўл қисқартирилиб, фақат бир томонда тор йўлларнинг пайдо бўлиши транспорт воситалари ҳаракатини қийинлаштирди, холос, - дейди у. - Ҳайдовчилар билан йўлнинг кўлаб қондабузарликлар содир этишмоқда. Хуллас, бугун каттақўрғонликларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, шаҳар бош майдонининг кенг айланма йўлини аввалги ҳолатига қайтариш муҳимлигини таъкидлашаёпти. Чиндан ҳам аҳоли талаби ҳақ. Шаҳар бош майдони кенгайтирилиб, айланма йўл ана қайта очилиши керак...

Асқар ЖАЛИЛОВ, "Адолат" мухбири.

ОНГ КИШИ БИЛИМ ДУСАРАШ
Кўнжол оқижа ави

маънавий-маърифий, дам олиш саҳифаси

ШУКРОНА

Сухбатдошим маошининг озлигидан, мансабининг пастлиги ва рўзгоридagi этишмовчиликдан сўз очиб...

— Ишининг кетиши қалай ўзи? — сўрадим.

— Ишим-ку, бир нав. Лекин менга алам қиладиган жойи — камхаржман. Бошқалар эса, савияси ҳаминқадар бўлсам...

— Қора қозонинг қайнаб турибдими? Бола-чақанг, оиланг омонми? — сўрадим яна.

— Худого шукр.

— Шукр деганингга шукр, ошна. Ҳозир сенга бояги арз-ҳолинг учун Умар Хайёмдан бир тўртлик айтий, эшит:

Кимнигки бор эса бир бурда номи, Узига яраша уй — ошйеги, На бирова унга кул, на у бировага...

— Қойил! Энди сиз мендан эшинг. Бу ҳам Хайёмдан:

Қийинчилик чекиб, одам хур бўлув, Садафда қамалиб, қатра дур булув...

— Яша, бор экансан-у, — унинг олқасига қоқиб кўйдим ва тилимга келган сатрларни ўқидим:

Учюнг ёшиб турмасга асар, Қозонинг қайнамасди шохор, Камхаржман деб ноимасия ҳеч, Хайитининг ўзи дунё, зар!

БАРЧАМИЗ — ЕРНИКИ

Ишхонада келишмовчилик юз берди. Нимага денг?!

Ходимлар аввалгига стол-стулга, кейин ўтирадиган жойларига (тепароққа ўрнашиш учун) талашдилар.

Талашува жанжалга айланди. Шовкин кўтарилди...

Қараб туриб ёдимга бир ривоят келди: икки қўшни уйлари ёнидан ўтган ариқ ёқасидаги бир хатлам ерга тортишиб қолишди.

— Бу ер меники, — дебди улардан бири.

— Йўқ, меники, — дебди иккинчиси.

— Бекор айтибсан, меники!

— Сен бекор айтибсан!..

Тортишува муштлашувга айланаётган эди, Оллоҳнинг эми билан ердан садо чиқди:

— Мен икковингники ҳам эмасман, икковинг ҳам меникисан!

...Узоқдан шоир овозини эшитгандек бўлдим:

Эй, дошимдан кекса, турғил эртарок, Тупроқ элатган болага бир бол,

Ва унга дегилки: «Эла, секинроқ, Кай боши, Парвешинг кўзи бу тупроқ».

Устод фалсафаси сабаб бўлдимми, бояги ривоятни назмга солдим:

Ариқ ёқаси узра бир хатлам ерга, Икки қўшни талашиб ташдилар терга.

Бир «меники» дер, бири «йўқ, меники»...

Ер деди: «Меникисан икковинг билар!»

нокор фақш иш қилди», деб жар солмоқчи ва қарияни ўғирликни ошкор этганидан чалғитмоқчи бўлдилар.

Қария иложсиз қолди. Лекин ён бермади. «Харомдан хазар», деди-ю...

мога бир вақтлар бошлиқ бўлганлар... Раҳбар жим қолди. Кўз олдига арзимаган ёрдам сўраб келган ўша инсон қиёфаси гавдаланди ва шеририй ёзувга яна бир бор кўз ташлаб...

Кўлинган келганда азиз биродар, Яхшилик қилиб қол, хуш бўласан, ночор. Бир куни бир кунг ушундек ўзинг, Узаалар меҳрига бўлиб қолма зор...

— Ҳа-аа, «ер — думалоқ, ҳаёт — чархпалак, айланиб туради» деганларми ҳақ, — кўнглидан кечди унинг.

МАНСАБДОР «МЕН» ВА АЖАЛ

Бир мансабдорни билардим. Замона зайли билан баландроқ лавозимга тайинланди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Давраларда, гурунгларида, йигинларда «ўзи хон, кўланкаси майдон» иш тута бошлади...

ЧАРХПАЛАК


Нуфузли идорага келган ёш раҳбарнинг олдида илгари айни шу жамоага узоқ йиллар бошлиқ бўлган кекса бир киши ташриф буюриб, арзиманган ёрдам сўради.

— Ока, сиз ишлаган давр бошқа эди, иложи бўлгандир... Ҳозир... давр бошқа, менда имкон йўқ... — деди янги раҳбар.

Кўп ўтмади. Раҳбар ножиоз ишлари учун вазифасидан олиниб, «кўчада» қолди. У иш сўраб юрган жойларидан бирда деворга осиллик ёзувни ўқиб, хона эгасидан сўради.

— Зўр экан, кимники? — Отаники, раҳматли шоиртабиатроқ эдилар...

— Ким эди тангиз? — Отам... Дарвоқе, сиз ишлаган жа...



О-ойижонимга чиройли кўйнак тикий, кейин сани кўғирчоғинга...

БИЛИМ КЎЛАҚАТГА ҚАЛҚОНДИР

Илми фурсат бўлганда ўрганавериш керак. Чунки илм зарур бўлган пайтда фурсат топилмади.

Абдуллоҳ ибн МАСЪУД. Кекса киши бўлса нодону хоҳил, ақлли гўдакни ундан афзал бил.

Носир ХИСРАВ. Сиз илмга бор-йўғингизни бермагунингизча, у сизга бирор нарса бермайди.

Абу Хомид ал ҲАЗЗОЛИЙ. Олим керакки, ўз илмининг поя ва миқдорини асрагай, гавҳарни имтиҳон учун тошга урмагай.

Алишер НАВОЙЙ.

ҚИЗИНАМ КЕЛИНДИР МАНОВ ҚИШЛОҚҚА...

(Қудаларга ҳазил)

Бир овул ёнидан ўтаётган чол, Қиблага тескари туриб бемалол, Белбоғин ёйди-да ўтлоқ устиза, Намозини ўқиди гоҳ алиф, гоҳ дол.

Қузатиб турувди уни узоқда, Шумлашда пихири ёрган бир «сўхта», Назидо, оми чол тушди музоққа: — Отахон, — деди у, — қибла бу ёқда!

Ота ҳам жавобни қилди «мазали»: — Биродар, мен учун қибла шу ёқда. Қудали бўлганда биласан хали, Қизинам келиндир манов қишлоққа...

Замон АЛИЙ.

Қаҳ-қаҳа БЕНЗИНИ ТУГАНА

Икки содда осмонга қарашса, вертолёт қотиб турган эмиш.

— Қара, — деди бири иккинчисига, — бузилди.

— Жинниманган?! Бузилса, аллақачон ерга қулаб тушарди. Бензини тугаган.

«МУЛОЙИМ» ШАЛПАНГУЛОҚ

Қуён қараса, очик майдонда бўри дам олиб ётибди. Секин бориб мулойим овозда сўради:

— Бўривой дам олаясанми? — Йўқ, шалпангулоқ, қопқонга тушиб қолдим.


— Шунақами? Ҳе, итдан тарқоқан ҳароми.

«Агротрактор» масъулияти чекланган жамиятининг номи «Пахта-кимётехника» деб ўзгартирилгангани муносабати билан тақлиф ва эътирозлар 175-44-66, 273-55-37 рақамли телефонлар орқали 1 ой мuddат давомида қабул қилинади.

Саҳифа меҳмони

Абдурашид ИСОҚОВ: Жўровозликнинг гашти бўлакча

Узига хос овоз соҳиби Абдурашид Исоқов машхур санъаткорлар сулоласининг давомчиси. 1984-1989 йилларда Тошкент Давлат маданият институтини тахсис олган санъаткор айни пайтда Республика «Олтин мерос» жамғармаси қошидаги «Муножот» ансамблида хонанда сифатида фаолият кўрсатмоқда.



Абдурашид Исоқов билан музохабатимиз бугунги ўзбек кўшиқчиликлари санъатидаги ютуқ ва муаммолар, унинг ижодий изланишлари ҳақида бўлди.

— Абдурашид ака, сизнинг ижодий репертуарингизда элликача яқин сара кўшиқлар бор. Лекин негизди, уларга чиройли клиплар тайёрлаб, мухлисларга тақдим этишга шойишми?

— Аввало, бу маблағ билан боғлиқ муаммо. Ҳозирги пайтда нафақат хонандалар, балки барча тоифадаги ижодкорлар ўз ижод намуналарининг тарғиботи борасида қайғуришлари зарур. Шу маънода, кўшиқларни чиройли клиплар воситасида шинавандаларга тақдим этиш урф бўлмоқда. Насиб этса, келгусида бу ишни ҳам амалга оширишни режалаштирганман.

— Шунинг учун сизнинг «Сен бахорни соғинмадингми?» кўшигини Икромжон Бўронов ижро этган. Унинг куйини амаким Акмал Исоқов басталаган. Онам Муаззам ая ҳам санъат шинавандаси эди.

— Эшлигимиздан қалбимиз кўридан жой олган санъатга ошуфталик туйғуси йиллар ўтиб ўз кичини кўрсатди. Алижон, Аслиддин, Абдураззоқ, Абдурауф, Абдувалик, Зафар, Нодир — барчамиз хонанда бўлиб етишдик.

— Оилада беш нафар фарзандим бор — тўрт ўғил, бир қиз. Жасурбек иккита янги кўшиққа клиплар ишлади. Қўлидан думтор, тор тушмайди. Байрам кечалари, тугилган кунларда оилавий жўровозликда кўшиқ куйлаймиз. Тўғриси, бунинг гашти бўлакча.

Сиз мусиқа санъатининг лирикаси, эстрада, маком ва фольклор йўналишларида бирдек ижод қиласиз. Бу жанрларнинг ўзига яраша мураккаб ва қулай жиҳатлари бўлса керак?

— Мен ҳеч қайси жанрни осон, деб ўйламайман. Хар бирининг қўшиқчиликлари санъатида ўз ўрни ва аҳамияти бор. Масалан, биргина мумтоз макомларимизни чуқур ва мукамал ўрганиш учун узоқ йиллар изланиш зарур бўлади. Фольклорнинг эса ўзи бил осон.

— Эл ичида юриб, бой мекросимизни ўрганиб, халқ куй-кўшиқларининг сирасорларини пухта ўзлаштириб олмай санъаткор узоққа бориши қийин. Бир қадар оммабоп бўлган эстрадада эса замонавий руҳни бера олиш ниҳоятда муҳим. Мен ўзимни кўпроқ лирик кўшиқчи ман, деб ҳисоблайман. Қалбим шунга мойилроқ.

Сухбатдош: Эркин АЗИМОВ, «Адолат» мухбири

Улуғ аллома Имом Ҳаззолий йиғирма ёшидаёқ қадимги Юнон ва Рим фалсафасини, ислом оламида шаклланган фалсафий қарашларни, натурфайласуфлар, «Ихсон ус-сафо» каби оқимлар намояндалари асарларини жиддий ва танқидий назар билан ўрганиб чиққан. Фалсафий манбаалардан баҳраманд бўлиб, чиқарган муқоасаларини «Мақосид ул-фалосифа» («Файласуфларнинг мақсадлари») китобида жамлаб, шарҳлаб ўтган.

СЎЗЛАР ЗАМИРИДАГИ СИРЛАР

Бу китобнинг бошқа фалсафий асарлардан фарқи шундаки, унда фикрлар анча очик-ойдин баён этилган. Қадимда файласуфлар ўз фикрларини нисбатан маъхум ва тушунарли қилиб ёзишга уринганлар ва китобларнинг ҳар жойида бунга ишора қилиб ҳам ўтганлар.

Жумладан, Ибн Сино ўзининг «Ишорат ва танбеҳот» асарида қуйидаги сўзларни ёзиб қолдирган: «Уқувчининг билим ва фаросатига ишонган ҳолда сўзни шу ерда мухтастар қиламиз, чунки бу сўзнинг замирида катта сир бор. Кимки бу сирни авом ва жоҳил кимсаларга ошкор этса, Аллоҳ таоло биз ва у ўртасида ҳакам бўлай...». Ҳаззолий эса, сўзлар замиридаги сирларни очиб бериш ва тўғри талқин қилишга эришган санокли доғишмандлардан саналади.

Бинобарин, унинг «Мақосид ул-фалосифа» асарини Ибн Сино ва Форобий таълимотини ўрганишда муҳим бир очкич — қалит, деб ҳисоблашади.

«Тахофут ул-фалосифа» асарида Ҳаззолий файласуфлар таълимотидаги ноаниқликларни, хаттоларни бирма-бир санаб ўтади. Айниқса, натурфайласуфлар унинг қаттиқ танқидига учрайди. Чунки, олам азалийлиги тўғрисидаги фикр хатоидир, чунки материя ҳеч қачон азалдан мавजूд бўлолмайди, материянинг азалийлигини тан олиш Худого ширк келтириш билан баробар, деган қарашини олдинга суради у. Алломанинг назарига, модомики, олам азалий эмас экан, демек, адабийлик ҳусусиятини ҳам йўқотати, чунки абадийлик фақат азалий нарсаларга ҳосидир.

Файласуфлар ҳам мўътазилийлар каби Парвардигорнинг сифатларини (илм, қудрат, идора ва бошқа) исбот этиб бўлмайдди, деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бу сифатлар Қуръон ва ҳадис асосида калом илмида исбот этиладиган нарсалардир, дейди Ҳаззолий.

Шунингдек, уларнинг илк материя ўз моҳиятига қўра бирор жинс ва турга эга эмаслиги тўғрисидаги фикрлари ҳам таҳмин ва маъхумликларга асосланганини таъкидларкан, илк материя субстанция-

НОБЕЛЬ МАТЕМАТИКЛАРГА БЕРИЛМАЙДИ

* Нобель мукофоти математикларга берилмайди. Чунки Альфред Нобель севган қизини математик Миттаг-Лефлер «илиб» кетган. Умрининг охиригача севгилисини унут олмаган Нобель ўз васиятномасида барча математикларни бу мукофотдан маҳрум этишни алоҳида қайд этган.

* Доминикалик аёллар аждоғи қобилятга эга. Улар кўзари шундай тилда гаплашишадики, бегона эркаклар туғул, ўз эрлари ҳам мутлақо тушунишмайди.

* Аёлларнинг бир ўрим сочи 200 миң толадан иборат бўлиб, 20 тоннагача юкни кўтара олади.

* Эман дарахти миңг йилгача яшайди. Умрининг 80 йилида юкориға, кейин ёниға қараб ўсади.

* Машхур физик олим, Нобель мукофоти совриндори Нильс Бор Дания миллий терма жамоасининг дарня вазобони бўлган. У ҳатто 1916 йилги олимпиадада уйинларида ҳам қатнашган. Дания терма жамоаси ўша мусобақда Россия терма жамоасини 16:0 ҳисобида мағлубиятга учратган.

* Швейцария кеч соат 22 дан эрталаб соат 4 гача автомобиль қатнов тақиқланган ягона давлат саналади. Англияда эса кеч соат 21 дан тонгги 6 гача эр-хотин жанжаллашмаслиги керак — қўшиқларнинг хотиржамлигини бузиш мумкин эмас.

ЭЪЛОН Ҳаззолийнинг «Мақосид ул-фалосифа» асари асрлар давомида Шарқ ҳамда Ғарб файласуфлари ва илоҳийчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди. Нилуфар РАСУЛОВА, Тошкент Давлат Шарқшунослик институти магистранти.

ЭЪЛОН Ҳаззолийнинг «Мақосид ул-фалосифа» асари асрлар давомида Шарқ ҳамда Ғарб файласуфлари ва илоҳийчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди.

ЭЪЛОН Ҳаззолийнинг «Мақосид ул-фалосифа» асари асрлар давомида Шарқ ҳамда Ғарб файласуфлари ва илоҳийчилари Фома Аквинский, Франческо Петрарка, Рене Декарт, Гегель ва бошқаларнинг фалсафий қарашларига жиддий таъсир кўрсатди.

ADOLAT ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ www.adolat.uz

Бош муҳаррир Холғўра ШАҒОАТОВ Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган Телефонлар: қабулхона — 236-53-14; 233-40-86 (факс); котибият — 233-41-89; «Партия ҳаёти ва сиёсат» бўлими — 236-55-64 Маъмури: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳрир хайяти Диплом ТОШМУҲАМЕДОВА, Иқбол МИРЗО, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Турсунгул ДАМИНОВА, Равшан ХАЙДАРОВ, Мамазон ХУҲАМБЕРДИЕВ, Исмонил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ Шермат ШАМСИЕВ, Светлана ОРТИҚОВА, Мукаррамхон АЗИМОВА, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Камол АЛЛАЁРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Талъат МУРОДОВ

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди • «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят руҳсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақолалар белгиси. Нашр индекси — 100 Навбатчи муҳаррир — Бехбуд БОТИРОВ Навбатчи — Фарход ЭСОНОВ Саҳифаловчи — Латифхон ТУРСУНОВ